

КАРТОШКА ЭКИШ УЧУН ЕР ТАНЛАШ, ТУПРОККА АСОСИЙ ВА ЭКИШ ОЛДИДАН ИШЛОВ БЕРИШ

Хайитов Абдулла Нурматович

Урганч давлат Университети

"Транспорт тизимлари" кафедраси

катта укитувчиси

Аннотация : Кartoшка экиш учун тупрокка асосий ва экиш олдидан ишлов турларига. каратилган. Узбекистон дехкончилиги сугориладиган шароитида тупрокка асосий ишлов бериш куйидагиларни уз ичига олади. Даладан олдин экилган экин туплари усимлик колдикларини йигиб олиш. Ерга асосий ишлов бериш ва далаларни эксплуатацион текислаш.

Калит сузлар: Кartoшка, тупрок, тупрок-иклим, кишлок хужалик экинлари, картошка етиштириш технологиялари, операция, плуг, чизел, култиватор, пушта, жуяқ, хосилдорлик.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги ПК-4704-сон “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уругчилигини янада бериш ривожлантириш чора-тадбирлари тутрисида”ги карорида мамлакатимизда истеъмол ва уруглик картошка етиштиришни купайтириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш хамда замонавий технологиялар асосида соҳада кушилган киймат занжирини яратиш, ички бозор талабини кондириш, унинг экспортини кенгайтириш, экин майдонларининг 50 фоизида уруглик картошканинг суперэлита ва элита авлодларини етиштириш, илгор технологиялар, инновацион ечимлар ва илм- фан ютукларини кенг жорий этишга алохидаги эътибор каратилган.

Кartoшка халқимизнинг йил давомида севиб истеъмол киладиган асосий озиқ-овкати булиб, унинг туганаги таркибида инсон организми учун зарур булган озиқ моддалар - крахмал, оксил, шакар, клетчатка, турли витаминалар, минерал элементлар мавжуд. Ундан 500 дан зиёд таомлар тайёрланади ва иккинчи нон хисобланади.

Ерга ишлов беришга талаблар. Картошкани сугориб етиштириладиган замонавий технология асосида сугориб етиштириш шароитда майдонларни текис булиши, мунтазам равишда унумдорлигини ошириш ва тупрокни сув-физик хусусиятларини яхшилаш, шунингдек ер юзасини ровон булишини назарда тутади. Картошкани экиш, парвариш килиш ва хосилини йигиштиришда машиналарнинг юкори сифат ва самарали ишлаши учун ерга асосий хамда экиш олдидан яхши ишлов бериш ва капитал текислаш оркали шароит яратилади.

Кartoшка ерга сифатли ишлов беришни талаб этади. У ерни зичлашиб

колиши ва уни таркибида намни купайиб кетишидан кучли таъсиранади. Картошка бошқа экинларга нисбатан хаво, сув ва харорат тез сингадиган чукур юмшатилган тупрокларга мухтожлик сезади. Тупрокка экилган ургулар тугунак, ундан хосил булган ок томир ва хосил булган янги тугунаклар куп микдорда кислородни узлаштиради. Тупрокка тугри ишлов бериш хисобига унда газ плмашувини меъёрида булишига эришиш мумкин.

Ерга ишлов бериш картошка экилгунича тупрокни майда донадор структурали, говак, хайдалма катламли зичлашмаслигини ва хайдалма катламдан ва уни остидаги катламига картошка илдизларини эркин кириб боришини таъминлаши керак.

Тупрокни механик таъсири каршилиги остида майда хамда шакли узгарган тугунаклар хосил булади. Бу, хусусан юкори ёпишкокли хусусиятига эга булган лойтупрок ва согтупрокли ерларда куп кузатилади. Бундай тупроклар зичлашиб колганида картошка илдири тупрокнинг чукур катлами томон усмасдан балки уни юза катламига (0-15 см) жойлашиб калади. Бу тупрокларга хаво етарли даражада сингимагани учун микрофлораси фаолияти секинлашади. Зичлашган тупроклар говаклик заррачалари жуда кичиклашиб кетиши натижасида ва таркибида суви куп булишига карамасдан уни узлаштириб булмайди.

Картошка хосилдорлиги тупрокни зичланиши ва сув утказувчанлигига тугридан - тугри боғлиқдир. F.Wirsing (1981) маълумотига кура Германия иклим шароитида тупрокнинг зичлиги 1,1 г/см³ булса уни сув утказувчанлиги 0,72 мм/мин ташкил этган, картошка хосилдорлиги эса - 282 ц/га, зичлиги 1,2 г./см³ да тегишлича 0,22 ва 279, 1,3 г/см³ да - 0,08 ва 211 ва 1,4 - 0,01 мм/мин ва 170 ц/га булган. Б.А.Писаревнинг (1971) хабар килишича Россиянинг Нокоратупрокли зоналарида зичлиги 1,1 г/см³ оғир суртупрокларда картошка 321 ц/га, зичлиги 1,4 г/см³ булган жойларда эса - 190 ц/га хосил берган. 1,6 г/см³ зичликка эга булган тупрокка экилган ургулар нюхол хосил килмасдан чириб кетган. Механик таркиби енгил кумок ва кумли ерларнинг зичланиши, суртупрок хамда лойтупрокларнинг зичланишига нисбатан картошка хосилига кам таъсир этади. Зичлиги 1,4-1,5 т/см³ булган чимлибуз кумок тупрокларда картошка хосилдорлиги -240-245 ц/га, 1,6 г/см³ - 233 ц/га ва 1,7 г/см³ да 133 ц/га булган.

Картошкадан юкори хосил олишда тупрок остини меъёридан ортиқ зичланишини олдини олиш зарур. Бунинг учун дала ишлари бажарилаётганда механизмларнинг юрувчи системаларини тупрокка босими параметрларини ва тупрокни зичланиш кийматига амал килиш лозим. (1 жадвал).

Жадвал 1. Курук тупрокнинг зичлик киймати ва унга ишлов бериш даврида грунтга (ерга) тушиши мумкин булган максимал босимга йул куйиш чегаралари

Тупрок турлари	Тупрок таркибидаги заррачалар улчами, мм			Курук тупрок-	Груйтта тушадиган максимал босим.	
	0.02 (лой)	0,002.. 0.063 (чангс имон тупрок	0.063.... 2,000 (кум)		Бахорда (дала нам сигими 80%_)	Езда кузда (дала нам сигими
Кум	3	17	80	1,54		
Богланишлы кум	5	20	75	1,52	50	80
Кумлок	10	25	65	1,50		
Енгил сог тупрок	15	30	55	1,48		
Уртача согтупрок	20	40	40	1,45	80	150
Огир согтупрок	25	55	20	1,45		
Енгил лойтупрок	40	35	25	1,35	120	200
Уртача	50	30	20	1,30		

Ковушган кулай тупрокка унга тулик ишлов берилганида эришиш мүмкін. Аммо, ишлов берилған тупрок уз холатини узок сактайолмайды. Тупрок уз оғирлиги ва ёғингарчиликтер таъсирида хажми камаяди. Картошка учун тупрокни кулай холатини саклаш учун у ёки бу ишлов беришни амалга ошириш керак.

Картошкадан олинадиган хосил сифатига талабни ошиши мұносабати билан кесак хосил булишини хусусан оғир тупрокларда уни олдини олиш зарур булмокда. Оғир тупрокларда кесак хосил булишига тупрокка трактор, машина ва механизмлар гилдираклари, ишчи органларини босими, ёмғир кор, шамол ва тупрокнинг узини босими каби омиллар сабаб булади. Хосил йигиштирилганды улчами (хажми) тугунак улчамига тенг булған кесаклар ворохга тушади, уни ажратиб олиш учун күшимчә меҳнат килинади. Ер картошка учун тайёрланганида бир хил улчамли- структурага эга булиши керак. Тупрок зичланишидан хосил булған кесакчаларни энг йириги 12 мм дан ошмаслиги максадда мувофиқдир.

Тупрокка ишлов берилганида, у утмишдош ва оралиқ экинлар колдиклари, солинган органик ва минерал утитларни ернинг хайдалма катламига бир хил чукурликда кумилишини таъминлаши керак.

Тупрокка түгри ишлов бериш уни физик ва кимёвий хусусиятларини яхшилаш билан бирга куйидаги масалаларни хал этади:

- бегона утларни ундириб-кукартириб механик усулда йук килиш ва улардан далани тозалаш;
- заараркунанда ва касаллик түгдирувчиларни йукотиши;

- намлик етарли булмаган районларда кузги кишки ёгин- сочинларни тупрокка сингишини таъминлаш ва саклаш хамда тарикбидан намлиги юкори булганларини ундан холос килиш ва тупрок таркибидаги намликни саклаб колиш;
- картошка усимлиги усиши ва ривожланишини ва хосили механизм ёрдамида йигиштирилаётганида тугунакларини шикастланишдан саклаш учун эгатларни кулагай ва бир хил баландликда олиш;
- технологик жараёнларни сифатли утказиш учун тупрокни кулагай холатга келтириш ва саклаш.

Картошка экиш учун ерни тайёрлаш асосий ва экиш олди тадбирларидан иборат булиб, уз таркибига куйидагиларни олади:

- усимлик колдикларидан тозалаш ёки бошоклилар пояларини майдалаш;
- оралик экинларни етиштириш;
- органик ва минерал угитларни солиш;
- бегона утларга карши кураш;
- шудгорлаш;
- экиш олдидан (кузда ёки баҳорда) эгатларни олиш;
- экиш олдидан культивация солиш ва бороналаш.

Узбекистоннинг сугориб дехкончилик киладиган шароитида картошка учун ер тайрлаш мажмуаси таркибига ерни жорий текислаш хам киради.

Ерни экишга тайёрлаш жараёнларига юзаки караш салбий натижа беради. Уларни картошка етиштириладиган тупрок иклим шароити, шунингдек, об-хаво шароити хамда уни экиш муддатидан келиб чигган холда бажариш керак. Механик таркиби енгил тупрокларга ишлов бериш, уртacha ва оғир тупрокларга нисбатан узгача булади (2 жадвал).

2. Картошка экиладиган тупрокларга турлича усулда ишлов бериш

Ишлов усули	Енгил тупрок			Уртacha тупрок			Кесаклан ишга моил		
	1	2	3	1	2	3	1	2	3
Кузги ишлов: Юза	Y								
Чукур					X	X	X	X	
Кузда эгат олиш							X		
Баҳорда шудгорлаш	X	X	X	X					X
Баҳорда экиш олдидан эгат олиш			X						
Культивация ва борона			X			X		X	
Икки марта культивация						X			
Экиш	X	X	X	X	X	X	X	X	X

Эслатма: 1-ушбу шароит учун яхши; 2- мумкин; 3- ёмон, усуллар Кartoшка учун ер тайёрлаш усуллари маълум бир тартибда ва экологик хамда иктиносидий жихатдан бир-бирига боғлаб жуда жадал булмаган ва бажариладиган ишлар сонини камайтириш билан кушиб бажарилса у юкори даражада самара беради.

Тупрокка асосий ишлов бериш. Узбекистоннинг иссик куруқ иклимли ва сунъий сугориш йули билан дехкончилик килинадиган шароитда картошка экиладиган ерга асосий ишлов бериш уз хусусиятига эга. Сугориладиган ерлар тупрокка ишлов берадиган ва бошка механизмлар хамда утказиладиган сугоришлар таъсирида узларининг майнинг тузилишини тезда йукотади.

Структурасини бузилиши ва чангли тупрокка айланиши 15-20 см катламигача етиб боради. Бундан ташкари тупрокнинг устки 20-25 см катламдан кейин берк катлам хосил булиш хусусияти мавжуд. Шу сабабли тупрокнинг донадорлик холатини яхшилаш ва берк катламини юмшатиш учун ерга 27-30 см чукурликда ишлов бериш максадга мувофик.

Куз фаслида утказиладиган асосий хайдаш, шудгорлаш деб юритилади. Ерни кузда чукур шудгорлаш далани бегона утлар босишини камайтириб, зараркунанда ва касаллик тугдирувчилар олди олинниб, тупрокда сув ва хаво тартиботини яхшилаб, озик моддаларни куп тупланиши ва берилган минерал угитлар самараси ошириб, усимлик илдизларини тупрокнинг чукур катламларига усив боришини ва уни тупрок катламида бир хил жойланишини таъминлайди. Унумдорлиги кам, шагал катлами булган ва лойберк катлами юзарок жойлашган утлок-боткок тупрокларни хар доим 27- 30 см чукурликда шудгорлаш мумкин эмас. Бундай холларда ерни хайдаш чукурлиги хар йили 2-3 см дан ошириб борилади ва у албатта органик угит солиш билан утказилиши керак.

Узбекистонда шудгорлашни утказишнинг энг куляй муддати октябр охири-ноябр ойидир. Таркибida лойи куп оғир тупроклар эрта кузда шудгорланиши керак. Шудгор килишга кечикилса тупрок таркибida намлик купайиб уни сифатига салбий таъсир этади ва ёнилги харажати купаяди. Бундан ташкари кечки экин хосили йигиширилганидан шудгорлаш утказилгунича орада купрок вакт утса, бундай холларда ер аввал юза юмшатилиб сунг хайдалиши керак.

Узбекистон шароитида экинлар эгат оркали сугорилади, шунинг учун тупрокка асосий ишлов бериш мажмуаси вактинча фойдаланиладиган сугориш шахобчаларини (ук арикларни) текислаш, далани усимликлар колдикларидан тозалаш ва органик угит солишдан бошланади.

Вактинчали сугориш шахобчалари ерни шудгорлайдиган тракторларга осилган КЗУ-0,3 ва МК-12 куроллари ёрдамида текисланиб, усимлик колдикларини йигишиш ва ташкарига чиқаруб ташлаш КПС-4-03 мосламалари билан бажарилади.

Ер экиндан эрта бушаб уни бегона утлар босган булса, уни шудгор килишдан олдин саёз хайдалади. Экиндан кеч бушайдиган, бегона утлардан тоза ерлар саёз хайдалмасдан шудгор килинади. Тупрокни саёз юмшатиш дискали гидрофил ЛДГ модификацияли, ППЛ-1-10-25 маркали плуглар ёрдамида ёки оддий плугларнинг агдаргичи ечиб олиниб бажарилади. Механик таркиби огир тупрокларда уни юмшатиш БДНТ-2,2 ва БД-10 маркали дискали огир бороналар ёрдамида бажарилади.

Бир йиллик бегона утлар босган ерлар 6-7 см, куп йиллик утлар билан ифлосланганлари эса 10-14 см чукурликда юмшатилади. Куз фасли курук келган йилларда тупрок саёз юмшатилганидан сунг сугорилади. Ерни сугориш бегона утларнинг маълум даражада камайишига сабаб булади. Куп йиллик утлар билан банд булган ерлар шудгорланишидан 7-8 кун олдин буйига ва кундалангига борона билан дискаланади.

Саёз юмшатилганидан 2-3 хафтадан сунг ер хайдалади. Ер хайдалишидан олдин органик ва минерал угитлар солинади.

Кузги шудгорлаш ПН-3-35 маркали икки ярусли плуглар билан агдариб 27-28 см чукурликда ёки 4Д 108 Ф “Квернеленд” ёки икки ярусли МР-2/3-45 модулли 3 класс таркторига (Кейс фирмаси MX-135) осилган плуглар ёрдамида 30-40 см чукурликда хайдалади. Шурланган ерлар шудгор килинганидан сунг чеклар полиниб шури ювилади.

Ер куз фаслида етилган вактида хайдалиши керак. Ута нам тупрокларни хайдашда, трактор гилдираклари суканинг сунгги изидан юради, бу картошка хосилдорлигига салбий таъсир этади. Бунда заранг катлам хосил булиши натижасида, усимлик сув ва озик моддаларни факат ерни хайдалма катламидан узлаштиради. Ер шудгор килинганидан сунг уни юзасида хосил буладиган нотекисликларни сифатли текисланиши керак. Дала шудгор килинганидан сунг трактор буриладиган майдонга ишлов берилади

Куп йиллик бегона утлар билан ифлосланган ер шудгор килинганидан сунг уни илдизлари ва колдиклари ВКС-08 куроли билан тозаланади.

Узбекистоннинг сугориб дехкончилик илинадиган шароитида картошка экиладиган ерга ишлов бериш мажмуасига ерни узун базисли механизмлар ёрдамида текислаш хам ерга бериладиган асосий ишловлар каторига киради. У узун базисли механизмлар ёрдамида бажарилади.

Экиш олдидан ерга ишлов бериш. Картошка экиш олдидан ерга ишлов беришдан асосий максад куз-киш ва эрта баҳорги даврларда зичлашиб колган тупрокнинг хайдлалма катламини юмшатиб беришдан иборат. Шу билан бирга киш мавсумида тупланган намликни саклаш, далани бегона утлардан тозалаш ва угитни тупрокка аралаштириб юборишдир. У тупрокни тургун майда структурали булиши етарли хажмдаги говаклик ва тупрокни пастки катламида

намликни яхши сакланиши учун шароитни яратиб бериши керак. Шулар туфайли уруглик экилган тупрок катламида уни кукариши ва нихолни яхши усиши учун кулай шароит яратилади.

Картошкани экиш олдидан ерга ишлов бериш уз таркибига куйидаги жараёнларни олади:

- тупрокнинг табиий намлигини максимал саклаган холда чукур ва бир текис юмшатиш;
- кесакларни майдалаш;
- тупрок каткалогини майдалаш ва юзасини текислаш;
- уруглик тугунак экилган катlam ости капиллярларини тупрокни кайта зичланиши хисобига тиклаш.

Экиш олдидан ерга ишлов бериш сифати кузги асосий ишлов бериш сифатига боғлик: кузда шудгор килишда йул куйилган камчиликларни тугрилаш - ортиқча харажатни талаб этиш билан бирга, картошка хосилдорлигини ва тугунак сифатини пасайтиради.

Тупрок баҳор фаслидаги босимларга сезгир булади. Шунинг учун экиш олдидан тупрокка ишлов бериш даврида уни намлиги 75 % НВ дан кам булиши хамда уни утказиш даврида трактор ва бошка механизмларни далада камрок (эзиб) юриши таъминланиши керак. Баҳор фаслида тупрок турига кура унга тушадиган максимал босим: кумок ва кумлок тупрокларда -50, енгил, уртача ва оғир шуртупрокларда -80, енгил ва уртача оғирликдаги лойли тупрокларда- 120 кПа дан ошмаслиги керак. Тупрокка гилдираклар оркали тушадиган босимни камайтириш учун куйидаги чоралар тавсия этилади: трактор шиналари ички босими имкондаражасида максимал камайтирилиши, бир хил улчамли гилдираклар иложи борича бирлаштирувчи прокладка билан котирилган булиши керак.

Экиш олдидан тупрокка бериладиган хар бир ортиқча ишлов, нафакат уни зичланишини оширади, балки намлик йуқолишини кучайтириб тупрокни куритиб куйиш билан бирга сарф харажатни купайтириб юборади. Баҳорда тупрок керакли чукурликда ишланиши керак.

Экиш олдидан тупрокка ишлов бериш турли тупрок иклим шароитида бир хил эмас. Хар бир шароит учун кулай - аник чоралар кулланиши зарур. Узбекистоннинг сугориб дехкончилик килинадиган шароитида картошка этиштиришда у экилишидан олдин тупрокка ишлов бериш, аввало, у экиладиган муддати ва тупрок шароитидан келиб чиккан холда аникланади.

Шури ювилмасдан тупрокларда эртаги картошкадан экиш олдидан ер бороналанади ёки НО-3,1 осма фреза билан фрезаланиб ва маҳсус мослама билан бир йула эгат олинади ёки эгат олинмайди. Эртаги картошка экиш олдидан кузда

шудгорланган ерни кайта хайдаш максадга номувофиқдир. Бахорда ерни хайдаш эртаги картошка экиш муддатини кечикириш билан бирга ернинг пастки кисмидан юзасига агдариб чикарилган тупрокнинг структурали катламини емирилишига ва кесаклар хосил булишига сабаб булади.

Узбекистон сабзавот-картошка тажриба станцияси тажрибалари маълумотига кура, вилоят хужаликларида кузда шудгорланган ерни баҳорда хайдаб эртаги картошка экилганида уни хосилдорлиги 12-31 фоизга камайган.

Механик таркиби енгил ва уртacha булган тупроклар кузда шудгорланишидан сунг тупрокка тегишли ишловлар бериб, эгатлар олиб куйилади.

Йирик структурали тупрокларда куз фаслида олиб куйилган эгатлар уз шаклини саклаш билан бирга киш фасли серёкин, иссик келган даврларда хам эрозияга ва кесаклар хосил булишига чидамли булади.

Олдиндан олиб куйилган эгатлар баҳор фаслида эрта етилади ва кизийди. Бу эртаги картошкани баҳорда бир ярим - икки хафта эрта экишга шароит яратади.

Купчилик чет эл мамлакатларида кесакланиш хусусиятига моил булган тупрокларни экишга тайёрлашда, куйидагиларга амал киладилар: кузда куп маротаба ишлов берадилар, баҳорда эса жуда кам тайёргарлик ишларини утказадилар. Картошка экиш учун тайёрланган ер, агар куз фаслида эгат олиб куйилган булса агротехника талабларга жавоб беради.

Куз фаслининг иссик ва об-хавоси куруқ даврида эгат олиш тавсия этилади. Куз фаслида олинадиган эгатлар асоси кенг, баланд ва кундаланг кесими юзаси $800-1000 \text{ см}^2$ булиши керак. Айрим маълумотларга кура энг кулай эгат кундаланг кесими юзаси 750 см^2 , баландлиги 20 см ва асоси $55-65 \text{ см}^2$ булиши керак. Бундай эгатларда картошка етиштириш юкори ва сифатли хосил олишни таъминлабгина колмасдан, тугунак пустини кукариб колишдан саклайди. Шу билан бирга кузда олиб куйилган эгатлар орасидаги масофа 75 см булса, 70 см лига нисбатан яхши натижада беради.

Шурланган ерлар шури киш фаслида ювилади, натижада тупрок жуда зичлашиб колади. Бундай ерларда картошка етиштириш учун у сифатли юмшатилиши керак. Эртаги картошка учун бугдай ерларни экиш олдидан тайёрлаш чеклар деворларини бузиш-текислаш, чизел ва борона солиш каби жараёнларни уз ичига олади.

Кечки картошка Узбекистонда дон бошоклилар ва эртаги сабзавотлардан бушаган ерларга такрорий экин ёки асосий экин сифатида экиб етиштириллади. Асосий экин сифатида етиштирилганида ер баҳор ва эрта ёз муддатларида тоза шудгор сифатида буш туради.

Кечки картошка такрорий экин сифатитда етиштирилса, у ер эртаги экинлар

колдикларидан тозаланади, сугорилади ва у етилган вактда хайдалма катлами тулик агдарилиб хайдалади, борона солинади ёки фрезаланади. Бу даврда икки марта хайдаш, нафакат бефойда балки, заар, бунда тупрок структураси бузилади, тез курийди техника аммортизацияси ва ёнилгиси учун харажат купаяди ва айрим холларда картошка хосилдорлиги пасаяди. Узбекистон сабзавот картошка тажриба станцияси маълумотига кура ер хайдалиб ва бороналаниб картошка экилганида -102,7 ц/га хосил олинган, икки марта хайдаб ва бороналанган ердан эса 100,0 ц/га хосил олинган.

Кечки картошка асосий экин сифатида етиштирилса баҳор фаслида ердаги бегона утлар йукотилади ва тупрокда нитрификация жараёнини кучайтириш учун уни картошка экилгунича тоза ер сифатида сакланади. Юкоридагилардан келиб чикган холда, ёзги картошка асосий экин сифатида экиладиган майдонга у экилишидан олдин куйидагича ишлов берилади:

- атмосфера ёгин - сочинларидан тупланган намликни саклаб колиш учун эрта баҳорда (март) борона солиш;
- апрел-май ойларида 1-2 марта сидирга культивация килиш;
- экиш олдидан агдармасдан хайдаш ва бороналаш. Ер бегона утлар билан кучли ифлослашган булса уни культивация килиш ва агдармасдан хайдаш оралигига сугориб, бегона утлар уругини кукаришга мажбур этиб, навбатдаги ишлов беришда улар йукотилади.

Кечки картогашка учун экиш олдидан ерга ишлов бериш жараёнига барча холларда жорий текислаш киритилиши керак.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Балашев Н.Н. Допосевная обработка почву. В кн. «Культура картофеля в Узбекистане». Ташкент. Госиздат УзССР, 1953.
2. Балашев Н.Н. Подготовка почву В кн. «Вурахивание картофеля и овощей в условиях орошения». Москва. Колос. 1976.
3. Бишоп К.Ф., Мондер У.Ф. Механизация производства и хранения картофеля. Перевод. с англ. Москва. Колос, 1983г.
4. Буриев Х.Ч., Зуев В.И., Кадурходжаев О.К., Мухамедов М.М. Сабзавотлар экиладиган ерга ишлов бериш. «Очиқ жойда сабзавот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари» китобида Тошкент миллий энциклопедия давлат илмий нашриёти. 2002.
5. Карманов С.Н. Обработка почву. В кн. «Картофель на приусадебном участке». Москва. Издательский ДОМ МСП, 2002.
6. Картофель. Под ред. Д. Шпаара. Минск. ФУАинформ, 1999.
7. Литун Б.П., Замотаев А.И., Андрюшина Н.А. Подготовка почву к посадке. В кн. «Картофелеводство зарубежных стран». Москва. Агропромиздат, 1988.
8. Писарев Б.А. Обработка почву. В кн. «Картофель». Москва. Колос, 1970.

9. Petelkau H. Grenzparameter fur die Bodenbelastung beim Einsatz von Traktoren und Landmaschinen aus der Bodenfruchtbarkeit. B Tagungsberichte der AdL Nr. 250, Berlin, 1986.
10. Schuhmann P. (Hrsg). Produktion und Lagerung von Kartoffeln agra Broschüre Heft 2, 1988.
11. Wirsing F. Kartoffeln. D Seifferi V. Drusch- und Hackfruchtproduktion VEB Deutscher Landwirtschaftsverlag Berlin. 1981.